

**ШАРТНОМАСИ**2022 йил “1 ”декабр

Андижон шахри

Келгуси ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган ва ҳаракатдаги Низом асосида фаолият кўрсатадиган «Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси» УК Андижон вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи Б.Ш.Сатимбоев бир томондан, ҳамда келгуси ўринларда «Лойихачи» деб юритилади ва Низом асосида фаолият кўрсатадиган “ARXSTROYSERVIS” КТИЧКИК ва унинг директори Қ.Исмонов иккинчи томондан мазкур шартномани қуидагилар тўғрисида туздилар

**1. Шартноманинг мазмуни**

1.1“Лойихачи”: Балиқчи тумани Жасорат МФЙда 1 дона сув қудуғи ва 5 км сув тармоғи тортиш учун лойиха олди ва лойиха смета хужжатларини ишлаб чиқиш ҳамда “Шахарсозлик хужжатлари эксертиза” ДУК хулосасини олиш ишларини тайёрлаш ЛОТ № 22110012192652 обьекти бўйича лойиха смета хужжатларини тайёрлаш ва обьект бўйича муаллифлик назоратини ушбу иншоот тўлиқ фойдаланишга топширилгунга кадар олиб бориш мажбуриятини, “Буюртмачи” эса ўз вактида ишларни қабул қилиб олиб, ишлар ҳаккини тўлаб бериш мажбуриятини олади.

1.2 “Лойихачи”, “Буюртмачи” томонидан тақдим этилган меъморий режалаштириш (АПЗ), лойихалаш топширикларида кўрсатиб ўтилган ишларни «10 кун» мобайнида ШНК1.02.09-15 коида ва кўлланмалари ва мазкур шартноманинг хужжатларига асосланиб бажаради ва тугаллади.

1.3 Бажариладиган ишларга илмий, техник, иктисадий ва бошка талаблар ишларини бажариш учун техник топширикларда назарда тутилади.

1.4 “Лойихачи” томонидан бажариладиган ишларнинг муддати лойиха ишларига ўтказилган эркин танловларнинг баённомаси билан белгиланган

1.5 “Лойихачи” “Буюртмачи” нинг рухсатини кутмасдан, кўшимча ички хўжалик шартномасини (шартномада белгиланмаган, лекин мазкур шартномани бажаришда амалга оширилиши лозим бўлган маҳсус тадқиқот ишларига) тузишга ҳаклидир. Кўшимча ички хўжалик шартномаларини тузиш “Лойихачи” зиммасига юклатилади.

1.6 Хўжалик шартномасининг бажаришдан бош тортиш ва шартларини бир томонлама ўзгартиришга рухсат этилмайди.

1.7 Ишларни молиялаштириш хисобот йили учун белгиланган тартибда тасдиқланган манзилий дастурда белгиланган лимит маблағлари доирасида ва кўрсатилган молиялаштириш манбаи ҳисобидан амалга оширилади.

**2. Томонларнинг мажбуриятлари****2.1 “Лойихачи”нинг мажбуриятлари:**

- “Лойихачи” “Буюртмачи” томонидан берилган техник топшириқ ва бошка бошланғич хужжатлар асосида ишларни бажариш;
- “Буюртмачи” билан бажариладиган ишларни (босқичлари)нинг натижаларини келишиш;
- Мазкур шартнома бўйича бажариладиган ишларнинг бориши ҳақида, талаб қилинган холларда “Буюртмачи”га ахборот жўнатиш

2.2 “Лойихачи” мазкур шартнома асосида бажарилган ишларни буюртмачининг рухсатисиз учунчи шахсга беришга ҳақли эмас.

**2.3 “Буюртмачи”нинг мажбурияти:**

- Мазкур шартномада кўзда тутилган микдорда ва шартларда белгиланган нархни тўлаш;
- “Лойихачи” томонидан бажарилиши лозим бўлган ишларни, мазкур шартномада назарда тутилган шартларда бажарилишини назорат қилиш;
- “Лойихачи” билан бажарилган ишлар (босқичлар)нинг натижаларини келишиш;

- Шартнома бўйича бажарилган ишларни, уларнинг мазмунини “Пудратчи”нинг розилигисиз учинчи шахсга бермаслик;

**3. Шартнома бўйича ишларнинг нархи**

3.1 Бажариладиган ишларнинг умумий қиймати лойиха ишларига ўтказилган танлов савдосининг шартнома қиймати (15% КҶС: 4 186 956,52 билан) **32 100 000 (Үттиз икки миллион бир юз минг)** сўм бўлиб,

- Бундан “Буюртмачи” томонидан “Лойихачи”га 2022 йилда ЛСХ харажати қийматининг 30 фоизлик микдорида бўнак (аванс) тўлови амалга оширилади, бу **9 630 000 (Тўққиз миллион олти юз үттиз минг)** сўмни ташкил қиласди.

3.2 Қолган **22 470 000 (Йигирма икки миллион тўрт юз етмиш минг)** сўм тўлов 2022 йилда ушбу обьект учун бюджетдан ёки бошка молиялаштириш манбаидан маблағ ажратилгандан сўнг амалга оширилади.

3.3 “Буюртмачи” “Лойихачи”дан бажарилган ишлар ҳақидаги далолатномаларни қабул қилиб, томонлар имзо чекканларидан кейин жорий молиялаштириш ишларини бажариш мажбуриятини олади

3.4 Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан амалга ошириладиган лойиҳа ишлари нархи ва муддати узил – кесил хисобланади ва қайта кўриб чиқилмайди.

#### 4. Ишларни топшириш ва қабул қилиш тартиби

4.1 Бажарилган ишларни баҳолаш ва қабул қилиб олиш техник топшириқ талаблари асосида баҳоланади.

4.2 “Лойиҳачи” томонидан топширилиши ва расмийлаштирилиши лозим бўлган хужжатлар рўйхати техник топшириқда аникланади.

4.3 “Лойиҳачи” ишларни бажариб бўлгач, “Буюртмачи”га топшириш–қабул қилиш далолатномаси билан биргаликда илова килиб 3 та нусхада хужжатлар тупламини тақдим этади.

4.4 “Буюртмачи” мазкур шартноманинг 4.2 бандида кўрсатилган топшириш–қабул қилиш далолатномасини ва хисобот хужжатларини 10 кун муддатда қабул қилиш мажбуриятини олади ва пудратчига имзоланган, ёки асосли эътиroz билдирилган топшириш–қабул қилиш далолатномасини жўнатади.

4.5 Бажарилган ишларни топшириш–қабул қилиш давомида “Буюртмачи”нинг асосли эътиrozи бўлса, камчиликларнинг рўйхати ва уларни бартараф этишининг аниқ муддатини белгиловчи икки томонлама далолатнома тузилади.

4.6 Агар ишларни бажариш жараённида кейинчалик уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги маълум бўлса, томонлар 5 иш кун мобайнида бир–бирларини ишлар тўхтатилганлиги ҳакида хабардор килишлари шарт ва 10 иш кун мобайнида ишларни давом эттириш учун мақсадга мувофиқ бўлган йўналишларини ойдинлаштирувчи масалаларни кўриб чиқишлари керак. Ишлар тўхтатилган ҳолларда томонлар учун Ўзбекистон Республикаси конунчилигига белгиланган мажбуриятлар юкланади.

4.7 Ўзаро хисоб–китоблар қилишнинг муддати келганлиги томонларнинг бири мазкур шартномадаги ишларни тўхтатиш ҳақидаги ёзма хабарнома берган санадан хисобланади.

#### 5. Томонларнинг жавобгарлиги

5.1 “Буюртмачи” ўз вақтида олдиндан тўланиши лозим бўлган тўловларни тўламаган ҳолларда, ишларни яқунлаш муддати тўлов кечикирилган муддатга узайтирилади.

5.2 “Буюртмачи” тўлов талабномаси акцепти (қабул қилиш)ни асосиз равиша тўла ёки кисман рад этганлиги, шунингдек хисоб–китобларнинг бошка шакллардаги ишларга ҳак тўлашдан бош тортганлиги (банк мусасасига тўлов топширикномасини тақдим этмаслик, чек бермаслик, аккредитив бермаслик ва хакозо) учун “Буюртмачи” тўловдан бош тортган ёки рад этган сумманинг 0,5% хажмида пея тулайди.

5.3 “Буюртмачи” олган мажбуриятини бажармаган тақдирда “Лойиҳачи” ўтказиб юборилган хар бир кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган кисмининг 0,4 % хажмида пея тўлайди. Аммо бунда пеянинг умумий микдори бажарилмаган иш ёки кўрсатилмаган хизматнинг 50 фоизидан ортиб кетмаслиги керак.

5.4 “Лойиҳачи” шартномада курсатилган мажбуриятини бажаришда, хизмат кўрсатишда олган мажбуриятларини бузганлиги учун “Буюртмачи”га ўтказиб юборилган хар бир кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган кисмининг 0,5 % хажмида пея тўлайди. Аммо бунда пеянинг умумий микдори бажарилмаган иш ёки кўрсатилмаган хизматнинг 50 %дан ортиб кетмаслиги керак.

5.5 Бажарилган ишлар(босқичлар)да камчилик ва нуксонлар пайдо бўлганда “Лойиҳачи” уларни бегараз бартараф этиш мажбуриятини олади.

5.5.Агар “Лойиҳачи” ўтган босқич учун хисоб бермаса, кейинги босқич учун молиялаштириш ишлари бажарилмайди.

5.6.Агар шартнома шартларининг бузилиши енгib бўлмайдиган холатлар (форс–мажор) натижасида юзага келса томонлар ўз ҳаракатларида Ўзбекистон Республикаси конунчилик меърлари асосида иш кўради.

5.7 Агар бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар талаб этиладиган сифатга, техник шарт (топширик) ларга мос келмаса ва иш хажмлари тўлиқ лойиҳа–смета хужжатларига киритилмаган ҳолда, “Лойиҳачи” ушбу ишларни ўз маблағлари хисобидан амалга оширади.

5.8 Шартномани ижро этмаганлиги ёки етарли даражада бажармаганлиги учун, жавобгарлик агар шартномада ўзгача ҳолат кўзда тутилмаган бўлса Ўзбекистон Республикаси «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий–хукукий базаси тўғрисида» ги конуннинг 25 – 32 – моддаларига асосан жавобгарлик чоралари кўлланилади.

5.9 Агар бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар шартнома шартларига мос қелмаслиги, “Буюртмачи” бажарилган ишлардан бош тортишга ҳакли, “Лойиҳачи”дан шартнома шартларига мос келмайдиган иш кийматининг 5% микдорида жарима ундиришга, агар бажарилган ишларга, кўрсатилган хизматларга ҳак тўлаб кўйилган бўлса, белгиланган тартиба тўланган суммани қайташини талаб қилишга ҳакли. Жарима тўлов талабномаси имолиялаштириш муассасасига сифати лозим даражада бўлмаган ишлар ҳақидаги далолатнома тузиленган вақтдан бошлаб бир ой мобайнида тақдим қилиниши лозим. Жаримани жадвалининг тўлов талабномаси белгиланган бир ойлик муддатдан кейин тақдим этилса, жаримани ундириш белгиланган тартиба амалга оширилади.

5.10 Агар пудратчи лойиҳа–смета хужжатларини белгиланган талаб доирасида бажармаса, лойиҳа–смета хужжатларида камчилик ва нуксонлар аникланган тақдирда “Лойиҳачи” “Буюртмачи”га етказилган зарарни тулайди. “Лойиҳачи” ишлар сифатли, шартнома шартларига мос келишига жавоб беради.

5.11 Шартнома шартларини ижро этмаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун жавобгарлик, агар шартномада кўзда тутилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикаси “Хўжалик юритувчи

субъектлар фаолиятини шартномавий-хукукий базаси тўғрисида”ги қонуннинг тегишли моддаларига асосан жавобгарлик чоралари кўрилади.

#### 6. Бартараф этилиб бўлмайдиган куч ҳолати (форс - мажор)

6.1 Агар томонлар мажбуриятларининг қисман ёки тўла ижро этилмай қолиши табиий ҳодисалар, ҳарбий харакатлар ва бошқа бартараф этиб бўлмайдиган кучлар сабабли содир бўлган бўлса, ҳамда бу ҳолат мазкур шартнома ижросига бевосита таъсир қўрсатган бўлса, томонлар мазкур шартном бўйича мажбуриятларининг қисман ёки тўла ижро этилмай қолгани учун жавобгарликдан озод бўладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларнинг ижро муддати бартараф этиб бўлмайдиган вазият, шунингдек шу вазият келтириб чиқарган оқибат хукм сурған вактга мос равиша оркага сурилади.

6.2 Агар бартараф этиб бўлмайдиган куч вазияти ёки унинг оқибатлари 3 ойдан ортик вактга чўзиладиган бўлса, “Лойиҳачи” ва “Буюртмачи” қурилишни давом эттириш ёки номаълум вактга тўхтатиш учун чора-тадбирлар кўришни муҳокама қиласидилар.

Агар томонлар 1 ой мобайнида бир тўхтамга кела олмасалар, томонларнинг ҳар қайси шартномани бекор килинишини талаб килишга хаклидир.

6.3 “Буюртмачи” тўлов шартларини ўз вактида бажармаслиги “Лойиҳачи” учун «форс-мажор» ҳолатига тенг ҳисобланади.

#### 7. Кўшимча шартлар

7.1 “Буюртмачи” 1.1.-бандда кўрсатилган обьектдан ташқари, “Лойиҳачи” томонидан тақдим этилган бажарилган иш натижаларидан фойдаланишга ҳақли эмас, “Лойиҳачи” эса олинган иш натижаларидан ўзининг манфаатлари учун фойдаланиши тақиқланади.

7.2 Мазкур шартномада кўзда тутилмаган томонларнинг ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий хукукий базаси тўғрисида» ги конунига, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига асосан белгиланади.

7.3 Томонлар ўзларининг юридик ва банк реквизитлари ўзгарган тақдирда, бир-бирларини 3 банк куни ичida ҳабардор қилишлари шарт.

#### 8. Шартноманинг амал қилиш муддати ва шартлари

8.1 Мазкур шартнома томонлар имзо чекиб, Фазначилик бошқармасидан рўйхатдан ўтганидан кейин кучга киради ва унинг шартлари тўлиқ бажарип бўлгунча ҳақиқий ҳисобланади.

8.2 Мазкур шартнома 2 нусхада тайёрланади ва бир нусхадан буюртмачига, пудратчига берилади.

8.3 Шартнома 2022 йил 31 декабрга кадар ўз кучида бўлади.

#### 9. Низоларни ҳал этиш тартиби

9.1 Шартномани тузиш, ижро этиш, ўзгarterиши ва бекор килиш, шунингдек келтирилган заарни қоплаш чоғида томонлар ўртасида вужудга келадиган низолар қонунчиликда белгиланган тартибда Андижон туманлараро иктисодий суди томонидан ёки томонларнинг келишувига биноан хакамлар суди томонидан кўриб чиқиласди

#### 10. Томонларнинг реквизитлари

##### БУЮРТМАЧИ

“Узсувтаъминот” АЖ «Сув таъминоти ва оқава сув обьектлари қурилиши бўйича инжиниеринг компанияси»

УК Андижон вилоят худудий

Андижон шаҳри, Чинабод ко`часи 59-үй.

ИНН: 305980724. ОКОНХУ-90213

ШХР: 301821860034017063201110291

Андижон вилояти газначилик бошқармаси.

Каз. счет: 23402000300100001010

МББХ ХКММ, Тарбият МФО 00014

СТИР Каззодж. 201192919

Бошқармаси  
бошлини



Б.Ш.Сатимбоев

Хуқуқшунос:

##### ЛОЙИҲАЧИ

“ARXSTROYSERVIS ” КТИЧКИК

Андижон вилоят филиали

Андижон ш., Навоийшох 100/102 уй

Тел.: (+99874) 223-14-45

Х/р: 20210000704225255001

ТИФ Миллий банк

Андижон шаҳар филиали

МФО: 00074, ИНН: 204270417

ОКОНХ: 95300



Директор

К.Исмонов